

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРОНОВА КОМИЛА ЯДГОРОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ХУЛҚ-АТВОР
БУЗИЛИШЛАРИ НАМОЁН ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Бахронова Комила Ядгоровна

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишлари намоён
этилишининг ижтимоий- психологик хусусиятлари..... 5

Бахронова Комила Ядгоровна

Социально-психологические особенности проявления поведенческих
расстройств у младшего школьного возраста 23

Bakhronova Komila Yadgorovna

Socio-psychological characteristics of the manifestation of behavioral disorders in
primary school age 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРОНОВА КОМИЛА ЯДГОРОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ХУЛҚ-АТВОР
БУЗИЛИШЛАРИ НАМОЁН ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/P53
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Шариф Рамазанович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Тўлаганова Гулчехра Кучкаровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Phd.03/30.01.2020.P.26.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол. фан.доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон психология илмида ўқувчи-ёшларни замон талабларига мос ижодий фикрлашга ўргатиш билан боғлиқ самарали усуллар, концептуал ёндашув асосидаги болалар хулқидаги турли ўзгаришларни илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 192 та давлатлар томонидан 2015 йил сентябрь ойида «Дунёмизнинг ўзгариши: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш учун Кун тартиби» дастури¹ ҳамда БМТнинг 2016 йилдаги «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун тараққиёт сиёсатига доир тадбирларни ҳар томонлама жорий қилиш, жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш» (MAPS) ёндашувида болаларни ҳар жиҳатдан етук тарбиялаш зарурати қайд этилган. Бу борада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик ривожланиш жараёнлари, ёшга оид кечадиган руҳий инкирозлар, уларнинг хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жараёнлари масалалари долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида болалар хулқ-атвори ўзгаришларининг ёш хусусиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллар, педагог, ота-она, тенгдошлар муносабатларининг хулқ-атвори ва психологик хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада болалар хулқ-атворидаги бузилишларнинг турли шакл ва кўринишлари, уларнинг хилма-хил таснифи, бола шахси ривожланишига таъсири, биологик ҳамда психологик детерминантлари масалаларига эътибор кўрсатиш зарурати юзага келтириб, глобаллашув даврида улардаги ижтимоийлашув жараёнларининг кечиши билан боғлиқ инкирозли ҳолатларни ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласига ижтимоий-психологик муаммо сифатида алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш мақсадида таълим олдида соғлом, фаол, масъулиятли ва мустақил шахсни шакллантириш вазифаси кўйилиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «Турли ёш даврларидаги ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, уларнинг ҳар қандай салбий оғишларнинг олдини олиш,...коррекциялаш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ижобий натижа беради»². Шу маънода кичик

¹https://www.un.org/ga/search/view_doc, <http://www.un.org/files/mdgs/Resolution.pdf> (мурожаат санаси: 28.01.2020 йил), ¹ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун тараққиёт сиёсатига доир тадбирларни ҳар томонлама жорий қилиш, жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш (MAPS) ҳисоботи (2018 йил 19 октябрь), // URL: <http://www.un.org/files/> (мурожаат санаси: 28.01.2020 йил).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон қарори. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/4417140>

мактаб ёшидаги болаларда ўзгаришларни юзага келтирувчи ижтимоий-психологик омилларни илмий ўрганишда етарли асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон «Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарорлари ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг қўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон олимларидан Ф.А.Акрамова, В.М.Каримова, Д.Г.Муҳамедова, З.Т.Нишонова, Р.С.Самаров, Н.С.Сафаев, Н.А.Соғинов, Г.З.Тўлаганова, Б.М.Умаров, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг оила муҳитида бола хулқ-атворидаги юзага келадиган турли муаммоларнинг ижтимоий, психологик, педагогик жиҳатдан жамият келажагини белгилайдиган муҳим омил эканлиги масалалари долзарб муаммо сифатида илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан Г.М.Андреева, К.А.Абульханова-Славская А.А.Битько, А.С.Белькина, Л.И.Божович, В.Г.Бочарова, А.В.Брушлинский, Ю.В.Гербева, А.М.Долгова, Б.Т.Кондашченко, В.И.Крючков, А.А.Леонтьев, И.А.Невский, В.А.Петровский, С.Н.Степанов ва бошқалар оиладаги шахслараро муносабатлар, оилавий низоларни олдини олишда бола хулқидаги ўзгаришларнинг намоён бўлишини илмий тадқиқ этишган.

Хориж олимларидан М.Алберти, А.Бандура, Э.Берн, А.Лазарус, А.Маслоу, Г.Оллпорт, Ф.Перлз, Э.Роберт, К.Роджерс, Э.Фромм ва бошқалар томонидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишлари намоён этилишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, она-бола муносабатларининг ота-бола муносабатларидан фарқли равишда бола ва ота-она муносабатининг ўзлаштириш ва ақлий ривожланишга таъсирига оид илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасининг ОТ-Ф1 рақамли «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий

иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2021 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворининг бузилишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг ота-оналари учун хулқ-атвор бузилишларини бартараф этишга мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворининг намоён бўлишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни асослаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвори ижтимоий-психологик омиллар таъсирида ривожланиши туфайли ижтимоий мослашиш мезонларининг дифференциал намоён бўлишини далиллаш;

ота-оналик муносабатларини шакллантириш орқали болалар хулқ-атворида намоён бўлувчи шахс хусусиятларини эмпирик жиҳатдан баҳолаш;

ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун хулқ-атвор бузилишларини бартараф этишга мўлжалланган ижтимоий психологик тренинглар дастурини яратиш, зарур тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворининг намоён бўлишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик хусусиятлари танланиб, тажриба-синов ишларида умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги 1, 11, 16 - сонли умумий ўрта таълим мактабларидан 73 нафар, Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 3, 10, 14- сонли умумий ўрта таълим мактабларидан 40 нафар, жами 113 нафар ўқувчилар ва 100 нафар ота-оналар танланган, улардан 60 нафар ота-она Бухоро вилоятидан, 40 нафар ота-она Навоий вилоятидан, жами 213 нафар респондентлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворидаги бузилишларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда суҳбат, кузатиш методлари ҳамда Р.Б.Кэттелнинг «Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш» сўровномаси; К.Роджерс, Р.Даймондларнинг «Ижтимоий-психологик мослашувчанликни аниқлаш методикаси»; С.Розенцвейгнинг «Расмли ассоциация» тести; А.Я.Варга, В.В.Столинларнинг «Ота-оналик муносабатини диагностика қилиш» методикаларидан, Ш.Р.Баратов ва К.Я.Бахроноваларнинг «Хулқ атворида бузилишлар бўлган болаларни оилавий психологик коррекция» тренинг дастурларидан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилиқ даражаси математик статистика методларидан: Стъудентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти орқали тасдиқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини-ўзи баҳолашнинг даражавий намоён бўлиши таъсирида хиссий-иродавий, коммуникатив, когнитив компонентлар билан боғлиқ шахс дефференциал хусусиятларини ижтимоий-

ахлоқий контекстда шаклланишига асосланиб бола хулқ-атворининг динамик ривожланиб бориши далилланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига ҳиссий муносабатни ифодаланишига кўра, соғлом болаларда «бошқаларни қабул қилиш» ва «хукумронликка интилиш» хусусиятларини ҳиссий қулайлик фониди, носоғлом болаларда эса интернал сифатлар таъсирида ривожланиши туфайли ижтимоий мослашиш мезонларининг дифференциал намоён бўлиши далилланган;

ота-оналарнинг ўз фарзандларини тушунмасликлари, ўзаро ижтимоий-психологик номуносибликларнинг интенсив таъсири натижасида бола шахсидаги хавотирлик, ўз-ўзидан қониқмаслик, агрессивлик, инфантиллик, аразчилик, камгаплик, тажовузкорлик каби сифатларнинг ривожланиши сабабли болада хулқий бузилиш белгилари юзага келиши асосланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишларини бартараф этиш психотехнологиялари таъсирида болаларда вазиятни адекват баҳолашга йўналтирилган хулқ-атвор, ахлоқий хулқ мотивацияси ва фрустрация вазиятида меъёрий ҳаракат қила олиш тенденциясининг шаклланиши туфайли ижтимоий мослашувчанлик даражасининг ортиб бориши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворидаги бузилишларни диагностика қилиш учун бир қатор психодиагностик методикаларни қўллашнинг самарали имкониятлари аниқланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий ҳолатларни аниқлаш, олдини олиш ва методикаларни қўллаш бўйича психологлар, педагоглар ҳамда ота-оналар учун амалий тавсиялар тақдим этилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворидаги бузилишларни олдини олиш ва бартараф этишга мўлжалланган психотренинг усуллари асосида коррекциялаш дастури ишлаб чиқилган ва ўрта умумтаълим мактаб психологлари фаолиятида татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларидан фойдаланилганлиги, репрезентативлиги, ишончлилиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи SPSS 22 дастурлари каби таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворининг шаклланишига бевосита таъсир этувчи турли омилларни тадқиқ қилиш моделини ишлаб чиқилганлиги, ўрганилаётган муаммони илмий жиҳатдан очиб бериш ва бакалавр ҳамда магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг давлат таълим

стандартларини ишлаб чиқишда, таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оилалардаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ зиддиятли ҳолатларнинг бартараф этилишида муайян даражада самарадорликка эришилганлиги, кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ-атворидаги бузилишларни диагностика қилиш учун бир қатор психодиагностик услубларни қўллашнинг самарали имкониятлари аниқланганлиги ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий ҳолатларни юзага келишига олиб келувчи сабабларни очиб бериш билан боғлиқ диагностик, психотехник усуллардан ота-оналар, педагоглар ҳамда мактаб психологларининг амалий фаолиятида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишлари намоён этилишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини очиб бериш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини-ўзи баҳолашнинг даражавий намоён бўлиши таъсирида ҳиссий –иродавий, коммуникатив, когнитив компонентлар билан боғлиқ шахс дефференциал хусусиятларини ижтимоий-ахлоқий контекстда шаклланишига асосланиб бола хулқ-атворининг динамик ривожланиб бориши далилланганлигига доир хулосалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 мартдаги П-М-16-сонли буйруғига асосан «Онтогенез психологияси ва дифференциал психология» ўқув дастурида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Натижада таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига ҳиссий муносабатни ифодаланишига кўра, соғлом болаларда «бошқаларни қабул қилиш» ва «ҳуқумронликка интилиш» хусусиятларини ҳиссий қулайлик фониди, носоғлом болаларда эса интернал сифатлар таъсирида ривожланиши туфайли ижтимоий мослашиш мезонларининг дифференциал намоён бўлиши далилланганлигига доир тавсиялардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 мартдаги П-М-16 -сонли буйруғига асосан «Ижтимоий психология» ўқув дастурига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-16- сонли маълумотномаси). Натижада кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий ҳолатларни коррекция

қилиш билан боғлиқ ота-оналик муносабатлари ижтимоий-психологик таҳлил қилиш тамоиллари асосида такомиллаштирилган;

ота-оналарнинг ўз фарзандларини тушунмасликлари, ўзаро ижтимоий-психологик номуносибликларнинг интенсив таъсири натижасида бола шахсидаги хавотирлик, ўз-ўзидан қоникмаслик, агрессивлик, инфантиллик, аразчилик, камгаплик, тажовузкорлик каби сифатларнинг ривожланиши сабабли болада ҳулқий бузилиш белгилари юзага келиши асосланганлигига доир тавсиялардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 мартдаги П-М-1 б-сонли буйруғига асосан «Девиантология асослари» ўқув дастурида ва республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Самарқанд минтақавий филиалининг 2020 йил 4 мартдаги 01/64-сонли буйруғига асосан «Ахборот консалтинг хизмати» фаолиятида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-1 б-сонли ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Самарқанд минтақавий филиалининг 2020 йил 4 мартдаги 01/64-сонли маълумотномалари). Натижада оилавий муносабатлар билан боғлиқ психокоррекцион ишларнинг самарадорлиги оширилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳулқ-атвор бузилишларини бартараф этиш психотехнологиялари таъсирида болаларда вазиятни адекват баҳолашга йўналтирилган ҳулқ-атвор, ахлоқий ҳулқ мотивацияси ва фрустрация вазиятида меъёрий ҳаракат қила олиш тенденциясининг шаклланиши туфайли ижтимоий мослашувчанлик даражасининг ортиб бориши аниқланганлиги тўғрисида келтирилган маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 мартдаги П-М-1б-сонли буйруғи асосида «Консультатив психология ва психокоррекция» ўқув дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6-мартдаги 89-03-990-сонли, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-1б-сонли маълумотномалари). Натижада оилалардаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ зиддиятли ҳолатларнинг бартараф этилишида муайян даражада самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 2та халқаро, 7та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 7 та хорижий журналларда эълон қилинган. 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 164 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот методлари, объекти ва предмети кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, назарий ва амалий аҳамияти, ишончилигининг асосланиши, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, апробациядан ўтказилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, диссертацион тадқиқотнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болалардаги хулқ-атвор бузилишларини тадқиқ қилиш ижтимоий-психологик муаммо сифатида**» деб номланган биринчи бобида бола шахсидаги ўзгаришларни ўрганишга қаратилган психодиагностик ва психокоррекцион адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда шу таҳлиллар асосида тегишли илмий-амалий вазифаларни белгилаб олиш имкониятига эга бўлди.

Олиб борилган назарий – илмий таҳлиллар танланган мавзу доирасидаги муаммонинг бугунги кунда ижтимоий психология фани тараққиёти учун ниҳоятда долзарб эканлигини кўрсатди. Қолаверса, кўплаб хорижлик, россиялик ва ўзбекистонлик психологларнинг бола шахсидаги хулқ-атвор бузилишларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга бағишланган барча тадқиқотларида мазкур жараённинг бугунги кунда ниҳоятда кам ўрганилганлиги ва бу жараён шахс ривожланиши учун ниҳоятда муҳим бўлган тадқиқотлардан бири эканлиги алоҳида қайд этилади. Шу маънода болалардаги хулқ-атвор бузилишларини тадқиқ қилиш масаласининг муайян ижтимоий-психологик муаммо сифатида қўйилиши ва тадқиқотимиз олдида қўйилган вазифаларнинг айнан ушбу жиҳатга қаратилиши маълум маънода бугунги болаларимиздаги хулқ-атвор сифатларининг намоён этилиши билан боғлиқ янги эмпирик маълумотларни қўлга киритиш ва бу маълумотлар ижтимоий психология фани истиқболлари учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хулқ-атвор бузилишларини ўрганиш муаммоси бўйича олимлар ўз тадқиқотларида турлича ёндашувларни таклиф этадилар. Улар ўз асарларида шахс хулқ-атвори намоён этилишининг конструктив, деструктив, агрессив, ассертив тарздаги кўринишлари билан боғлиқ ижтимоий-психологик механизмларга алоҳида эътибор қаратадилар. Шунингдек, ўтмишда аждоқларимиз мазкур муаммони муайян илмий йўналишлар сифатида ўрганмаган бўлсаларда, уларнинг жуда кўплаб ноёб қўлёзмаларида мазкур ҳолатнинг ёритилиши бўйича ўзига хос таҳлиллар ва тавсиялар кузатилади. Жумладан, Абу Али ибн Сино, Абдулла Авлоний, Абу Наср Фаробий, Абу

Райхон Беруний, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, каби мутафаккирларнинг шахс хулқ-атворининг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг илмий қадр-қимматини йўқотмаганлигини кўрамыз.

Олиб борилган назарий таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, бола хулқ-атворидаги у ёки бу бузилишларнинг бартараф этилиши болада шахсга, ижтимоий гуруҳлар ёки умуман жамиятга зарар етказувчи аддиктив, суицидал, делеквент хулқ-атворнинг шаклланиши билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини беради. Бу эса шахслараро муносабатларни мувозанатлаштиришга йўналтирилган оилавий психокоррекция дастурларини муайян ижтимоий-психологик талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўрганилган илмий адабиётлар таҳлили бугунги кунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвор кўринишларига бевосита таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар тизимини эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва шу ўрганиш натижалари асосида илмий хулосаларни шакллантириш ва келажакда психологик хизмат амалиёти учун муҳим бўлган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш муқаррарлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишларини тадқиқ қилишнинг эмпирик асослари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот методологияси ва методикалари акс этилган. Тадқиқотда асосий Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишларини аниқловчи методикалар учта ҳисобланиб, улар ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишларига таъсир этувчи омилларни аниқлашга ёрдам беради.

Тадқиқотда Р.Кеттелнинг «Ўн олти омилли шахс сўровномаси» методикасидан фойдаландик. Бизнинг асосий мақсадимиз эса айнан бир ёшда бўлган икки хил тоифадаги (« n_1 » ва « n_2 »), болаларни қиёсий таққослаш орқали муайян даражадаги ижтимоий-психологик хулосаларни чиқаришдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан биз шартли равишда қабул қилган соғлом (« n_1 ») типдаги болалар гуруҳида Кеттел мезонлари бўйича шахслилик хусусиятларига баҳо беришни ва шу баҳо орқали муайян даражадаги амалий тавсияларни ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган эдик. Шунинг учун мазкур таҳлилда биз 16 омилнинг ҳар бирига алоҳида тўхталмасдан, ушбу омиллар бўйича эмпирик натижалар акс этган маълумотларни умумий тарзда қабул қилинган 3 та компонентга бирлаштирган ҳолда методика интерпретациясини тақдим этишни лозим топдик. Буларга қуйидаги мезонлар киритилди:

I. Ҳиссий-иродавий компонентларни ифодаловчи омиллар: «ҳиссий барқарорлик(C)»; «хотиржамлилик(F)»; «қатъийлик(G)»; «рахимдиллик(I)»; «оптимист(Q)»; «ўзини назорат қилиш(Q_3)»; «қўзғалувчанлик ва зўриқиш(Q_4)»;

II. Коммуникативлик компонентларни ифода этувчи омиллар: «мулоқотга мойиллик(A)»; «ижтимоий дадиллик(H)»; «хукмронликка

интилиш (E)»; «ижодийлик (N)»; «ишонувчанлик (L)».

III. Когнитивлик компонентларни ифода этувчи омиллар: «ўзига ишонч(B)»; «омилкорлик(M)»; «ўзини адекват назорат қилувчи(Q₁)»; «мустақиллик (Q₂)».

Бинобарин, ушбу мезонларнинг танланишидан асосий мақсад шуки, соғлом (n₁) ва носоғлом (n₂) болалар шахсида шаклланиб бораётган шахслилик компонентларни алоҳида ажратиб олиб, ушбу компонентлар асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ атвориغا қиёсий жиҳатдан баҳо беришдир. Шунингдек, ушбу баҳолашлар орқали мазкур тоифадаги болалар учун характерли бўлган кучли ва заиф жиҳатлари ҳақида муайян тасаввурларни ҳам шакллантиришга ҳаракат қилинди (1- жадвал).

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, соғлом болалар гуруҳида (n₁= 58) ҳам носоғлом болалар гуруҳида (n₂ = 55) ҳам кўрсаткичлар кўлами турли даражаларда намоён этилаётганлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Бу эса ҳар бир болани ёки гуруҳни алоҳида ўрганиш ва шу асосда унга муносабат билдириш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади.

1-жадвал.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда шахслилик омиллари намоён этилишини қиёсий-типик кўрсаткичлари.

Мезон объект	Ҳиссий-иродавий		Коммуникатив		Когнитив		Жами	
	а	б	а	б	а	б	А	б
n ₁ =58	26	32	33	25	30	28	30	28
%	44,8	55,2	56,9	43,1	51,7	48,3	51,7	48,3
n ₂ =55	17	38	18	37	27	28	21	34
%	31,9	69,1	32,7	67,3	49,1	50,9	38,2	61,8

Жумладан, Ҳиссий-иродавий компоненти омилларининг («С»; «F»; «G»; «I»; «Q»; «Q»₃; «Q»₄) намоён этилиши n₁= 58 гуруҳи аъзоларига нисбатан муайян даражада адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 26 нафарни, яъни 44,8 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориغا нисбатан эса 32 нафарга, яъни 55,8% га етганлигидан далолат бермоқда. Айни пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар (n₂ = 55) гуруҳида 17 нафар (30,9%) адекват ва 38 нафар (69,1%) «ноадекват» кўрсаткичлар чегарасида турганлиги маълум бўлди. Яъни соғлом болалар гуруҳида (n₁), носоғлом болалар гуруҳига (n₂) нисбатан кўпроқ ҳолларда ҳиссий барқарорлик, руҳий кўтаринкилик, масъулиятлилик, қатъийлик, биров хотиржамлик, ўз-ўзини назорат қила олиш юқори даражадаги фаоллик сифатларининг «адекватлилик кўрсаткичлари» (яъни айнан ушбу сифатлар ўртачадан юқори даражада) намоён этилган бўлса, носоғлом болалар гуруҳида (n₂=55) эса мазкур сифатларга нисбатан

ноадекватлилик кўрсаткичларининг («б» мезон) – яққолроқ намоён этилганлигини кўрамиз, бу эса хулқ-атворида муайян бузилишлар кузатилган болалар билан ҳиссий – иродавий соҳада янада кўпроқ коррекцион ишларни ташкил этишга бўлган ижтимоий заруратни янада ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Кеттелл услуби бўйича II компонент сифатида танланган «коммуникативлик» омилларининг («А»; «Н»; «Е»; «N»; «L») намоён этилишида ҳам ҳар иккала гуруҳ («n₁» ва «n₂») аъзоларида тафовутларнинг мавжудлигини кўрамиз. Жумладан соғлом болалар гуруҳида (n₁ = 58), «а»-адекватлилик меъзони кўрсаткичлари 33 нафарни (56,9%) ташкил этиб, бу натижа соғлом болалардаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ. «Киришимлилик»-А; дадиллик-Н; етакчилик-Е; дипломатия-N; ишонч билан ҳаракат қилиш-Ж каби омилларнинг нисбатан кўпроқ намоён этилишини яна бир бор тасдиқласа, носоғлом болаларда эса ушбу омил кўрсаткичлари нисбатан паст даражада намоён этилганлигини кузатиш мумкин. Аниқроғи коммуникативлиликка нисбатан адекват кўрсаткичлари кўлами (в мезон) носоғлом болалар гуруҳида (n₂ = 55) атиги 18 нафарни (22,7%) ташкил этди, холос. 37 нафар болаларда (67,3%) эса коммуникативлиликка нисбатан ноадекват кўрсаткичлар қайд этилди.

Энди бевосита III компонент когнитивга дахлдор омиллар тахлиliga келадиган бўлсак, аввало шуни айтиш жоизки ушбу омил кўрсаткичларидаги тафовутлар унчалик ҳам салмоқли эмаслиги кузатилди. Негадир когнитивлик омилларнинг намоён этилиши билан боғлиқ «адекват» ва «ноадекват» кўрсаткичлар кўлами соғлом болалар гуруҳида (n₁ = 58) ҳам, носоғлом болалар гуруҳида ҳам (n₂=55) унчалик катта тафовутларга эга бўлмади. Яъни когнитивлиликка «адекват» кўрсаткичлар миқдори «n₁» гуруҳда 30 нафар (51,7%) ва «n₂» гуруҳида эса 27 нафарни (49,1%) ташкил этган бўлса, «ноадекват» кўрсаткичлар кўлами эса мос равишда «n₁» гуруҳи учун 28 нафар (48,3%) ни «n₂» учун ҳам 28 нафарни (50,9%) ни ташкил этганлиги кўрсатди. Хулқ-атворида бузилиш бўлган болаларда «n₂» гуруҳи хулқ-атворнинг бошқаришда когнитив компонентни омилларининг шаклланганлик даражаси пасаймаган.

Демак, мазкур олинган маълумотлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хоҳ у соғлом болалар гуруҳи бўлсин, ёки носоғлом болалар гуруҳига дахлдор бўлсин, уларда Кеттелл мезони бўйича яққол ифодаланган интеллектуал, ижодийлик, ташшабускорлик, мустикал фикрлашга мойиллик сифатлари яққол сезилиб турар экан.

Умуман, Р.Кеттелл услуби асосида қайд этилган кўрсаткичларининг қиёсий тахлили хулқ-атворида бузилишлар бўлган болаларда ишончли даражада ҳиссий кечинмаларнинг юқорилигини, эмоциялар устидан назоратнинг пастлиги, мулоқотнинг исталганлиги даражасининг пастлиги, ифодаланган ҳиссий беқарорлик мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи ижтимоий психологик мослашувчанлик методикаси (К.Роджерс, Р.Даймонд) асосида олинган натижалар тахлиliga бағишланади.

Ушбу тажрибаларда асосан кичик мактаб ёшидан ўқувчилар иштирок этишди (58 нафар). Улардан 30 нафари ўғил болалар, 28 нафари қизлардир. Текширилувчиларнинг ўртача ёши 10-11 ёшни ташкил этди. Танланган гуруҳга ўқиши ва хулқ-атворида қийинчиликларга дуч келаётган болалар киритилди. Мазкур болаларда аксарият ҳолларда шахслилик дезадаптациясига нисбатан мойиллик мавжуд. Ўқувчиларнинг аксарияти нисбатан педагогик ва ижтимоий қолақликка эга эканлиги билан ажралиб туради.



Ижтимоий-психологик мослашувчанлик сўровномаси (К.Роджерс, Р.Даймонд) натижаларини қайта ишлашда ўрганилган гуруҳлардаги ўқувчилар ўртасида дезадаптация белгиларининг мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлар олинди (2- жадвалга, 1- расмга қаранг).

Жумладан, мослашувчанлик омилларининг намоён этилиши билан боғлиқ ўртача умумий кўрсаткичлар кўлами ($n_1=58$) маълум даражада адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 40 нафарни, яъни 69,0 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдорига нисбатан эса 18 нафарни, яъни 31,0 % га етганлигидан далолат бермоқда. Айни пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2=55$) гуруҳида 27 нафарни (49,1%) адекват ва 28 нафарни (50,9%) «ноадекват» кўрсаткичлар чегарасида турганлиги маълум бўлди.

2-жадвал

Ижтимоий психологик мослашувчанлик методикаси бўйича олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили

т/ р	Мезонлар	$n_1 = 58$		$n_2 = 55$		Жами $n_1 + n_2 = 113$		
		А	Б	А	Б	А	Б	
1	Мослашувчанлик	А	40	69,0	27	49,1	67	59,3
		Б	18	31,0	28	50,9	46	40,7
2	Ўзини ўзи қабул қилиш	А	39	67,2	21	38,2	60	53,1
		Б	19	32,8	34	61,8	53	46,9
3	Бошқаларни қабул қилиш	А	36	62,1	20	36,4	56	49,5
		Б	22	37,9	35	63,6	57	60,5
4	Ҳиссий қулайлик	А	39	67,2	17	30,9	56	49,5
		Б	19	32,8	38	69,1	57	50,5
5	Интерналлик	А	30	51,7	33	60,0	63	55,7
		Б	28	48,3	22	40,0	50	44,3
6	Устунликка интилиш	А	40	69,0	42	76,4	82	72,5
		Б	18	31,0	13	25,6	31	27,5
Жами (ўртача)		А	37	63,8	27	49,1	64	56,6
		Б	21	36,2	28	50,9	49	43,4



1-расм. Ижтимоий психологик мослашувчанлик методикаси бўйича олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили

Тадқиқотда соғлом болалар гуруҳида (n_1), носоғлом болалар гуруҳига (n_2) нисбатан кўпроқ ҳолларда мослашувчанлик юқори даражадаги «адекватлилик кўрсаткичлари» (яъни айнан ушбу сифатлар ўртачадан юқори даражада) намоён этилган бўлса, носоғлом болалар гуруҳида ($n_2=55$) эса мазкур сифатларга нисбатан ноадекватлилик кўрсаткичларининг («б» мезон)-яққолроқ намоён этилганлигини кўрамиз, бу эса хулқ-атворида муайян бузилишлар кузатилган болалар билан мослашувчанлик соҳада янада кўпроқ коррекцион ишларни ташкил этишга бўлган ижтимоий заруратни янада ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзини ўзи қабул қилиш кўрсаткичи бўйича соғлом гуруҳи ($n_1=58$) аъзоларининг адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 39 нафарни, яъни 67,2 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар

миқдориға нисбатан эса 19 нафарни, яъни 32,8 % га етганлиги, айна пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2=55$) гуруҳида адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 21 нафарни, яъни 38,2 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 34 нафарни, яъни 61,8 % ни ташкил этганлигини кўрамыз.

Бошқаларни қабул қилиш кўрсаткичи бўйича соғлом гуруҳи ($n_1 =58$) аъзоларини адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 36 нафарни, яъни 62,1 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 22 нафарни, яъни 37,9 % ни ташкил этганлиги, айна пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2=55$) гуруҳида адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 20 нафарни, яъни 36,4 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 35 нафарни, яъни 63,6% ни ташкил этганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳиссий қулайлик кўрсаткичи бўйича олинган натижалар соғлом болалар гуруҳида ($n_1=58$) адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 39 нафарни, яъни 67,2 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 19 нафарни, яъни 32,8 % га етганлиги, айна пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2 = 55$) гуруҳида адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 17 нафарни, яъни 30,9 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 38 нафарни, яъни 69,1 % га етганлиги билан характерланади.

Интерналлик кўрсаткичи бўйича олинган натижалар соғлом болалар гуруҳида ($n_1=58$) адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 30 нафарни, яъни 51,7 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 28 нафарни, яъни 48,3 % га етганлиги, айна пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2 =55$) гуруҳида адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 33 нафарни, яъни 60,0 % ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 22 нафарни, яъни 40,0 %га етганлигини кўрамыз.

Устунликка интилиш кўрсаткичи бўйича олинган натижалар соғлом болалар гуруҳида ($n_1=58$) адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 40 нафарни, яъни 69,0% ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 18 нафарни, яъни 31,0% га етганлиги, айна пайтда, бу кўрсаткичлар кўлами носоғлом болалар ($n_2 =55$) гуруҳида адекват («а») кўрсаткичларига нисбатан 42 нафарни, яъни 76,4% ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ноадекват («б») кўрсаткичлар миқдориға нисбатан эса 13 нафарни, яъни 25,6% ни ташкил этди.

